

بِدَائِيَّةُ الطَّالِبِ فِي مُصْطَلِحِ الْحَدِيثِ

# Мусталахул ҳадисда талаба дебочаси

(Ҳадис илми бўйича қўлланма)

**Муаллиф:** Мухаммад Абдуллоҳ Маҳмуд

**Мутаржим:** Афзал Аброр

Тошкент:  
2017 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

تَعْرِيفُ عِلْمِ الْمُصْطَلَحِ:  
عِلْمٌ بِأَصْوِلٍ وَقَوَاعِدٍ يُعْرَفُ بِهَا أَحْوَالُ السَّنَدِ وَالْمَتَنِ مِنْ حَيْثُ الْقَبُولُ وَالرَّدُّ.

**Мусталаҳ илмининг таърифи:**

Санад ва матнни қабул қилиш ва рад қилиш жиҳатидан ҳолатларини билишининг асослари ва қоидаларини ўрганувчи фан – мусталаҳул ҳадис илмидир.

مَوْضُوعُهُ:  
السَّنَدُ وَالْمَتَنُ.

**Мавзуси:**

Мусталаҳул ҳадис илминиг мавзуси санад ва матнdir.

ثَرْتُهُ:  
قَيْيِزُ الصَّحِيحِ مِنَ السَّقِيمِ.

**Самараси:**

Саҳих хабарни касалидан ажратиш.

الْحَدِيثُ:  
لُغَةً: الْجَدِيدُ، وَاصْطِلَاحًا: مَا أُضِيفَ إِلَى النَّبِيِّ مِنْ قَوْلٍ أَوْ فِعْلٍ أَوْ تَقْرِيرٍ أَوْ صِفَةٍ. وَهُوَ مُرَادٌ فُلْلَسْتَةٌ.

### Ҳадис:

Луғат жиҳатидан «янги» дегани. Истилоҳда: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилган сўз, феъл ёки бирон бир нарсани мақуллаш ёки сифатдир. У «суннат» лафзига маънодош (сионим)дир.

الْحَبْرُ :

يُطْلِقُ وَيُرَادُ بِهِ الْحَدِيثُ وَأَيْضًا يُرَادُ بِهِ مَا هُوَ أَعَمُّ مِنْ الْأَخْبَارِ .

### Хабар:

Бирор қайдсиз айтилганда у ила ҳадис ирода қилинади. Шунингдек, у ила хабарларнинг барча турлари ҳам ирода қилинади.

الْأَثْرُ :

يُطْلِقُ وَيُرَادُ بِهِ حَدِيثُ الرَّسُولِ، وَيُرَادُ بِهِ مَا أُضِيفَ إِلَى الصَّحَابَةِ وَالْتَّابِعِينَ مِنْ الْأُقْوَالِ وَالْأَفْعَالِ .

### Асар:

Бирор қайдсиз айтилганда у ила Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ирода қилинади. Шунингдек, у ила саҳобалар ва тобеинларга нисбат берилган сўзлар ва феъллар ирода қилинади.

الإِسْنَادُ :

عَزْوُ الْحَدِيثِ إِلَى قَائِلِهِ مُسْنَدًا أَوْ هُوَ سِلْسِلَةُ الرِّجَالِ الْمُوَصِّلَةُ إِلَى الْمَتْنِ .

### Иснод:

**Ҳадисни айтувчисига санадни келтирган ҳолда нисбат бериш ёки матнга етказувчи рижолларнинг силсиласи.**

السَّنَدُ:

لُغَةً: مَعْنَاهُ الْمُعْتَمَدُ وَإِصْطَلَاحًا: هُوَ سِلْسِلَةُ الرِّجَالِ الْمُوَصَّلَةُ لِلْمَتْنِ.

**Санад:**

Луғат жиҳатидан мўътамад дегани, истилоҳ жиҳатидан эса: матнга етказувчи рижолларнинг силсиласи.

الْمَتْنُ:

لُغَةً: مَا ارْتَفَعَ عَنِ الْأَرْضِ وَ إِصْطَلَاحًا: هُوَ مَا يَنْتَهِي إِلَيْهِ السَّنَدُ مِنَ الْكَلَامِ.

**Матн:**

Луғат жиҳатидан ердан кўтарилилган нарса, истилоҳ жиҳатидан: каломдан иборат бўлиб санад унга бориб тўхтагувчи нарса.

الْمُسَنَدُ:

هُوَ كُلُّ كِتَابٍ جُمِعَ فِيهِ مَرْوِيَاتُ كُلِّ صَحَافٍ عَلَى حِدَةٍ أَوْ هُوَ الْحَدِيثُ الْمَرْفُوعُ الَّذِي اتَّصَلَ سَنَدُهُ.

**Муснад:**

Ҳар бир саҳобийнинг ривоят қилган ҳадислари алоҳида жамланган китобдир. Ёки санади узилишсиз боғланган марфуъ ҳадисдир.

الْمُسَنِدُ:

مَنْ يَرَوِي الْحَدِيثَ بِسَنَدٍ عَالِمًا بِهِ أَوْ لَيْسَ لَهُ إِلَّا مُجَرَّدُ الرِّوَايَةِ.

**Муснид:**

Ҳадисни ўз санади ила ривоят қилган ҳолида уни билгувчи ёки фақатгина ривоят қилгувчи киши.

الْمَحَدُّثُ:

هُوَ مَنْ يَشْتَغِلُ بِعِلْمِ الْحَدِيثِ رِوَايَةً وَدَرَايَةً.

**Мухаддис:**

Ҳадис илми ила уларни ривоят қилиш ва чуқур ўрганиш жиҳатидан шуғулланувчи киши.

أَنْوَاعُ الْخَبْرِ :

الْخَبْرُ بِاعْتِبَارٍ وُصُولِهِ إِلَيْنَا قِسْمًا نِ :

مُتَوَاتِرٌ وَآخَادٌ.

**Хабарнинг навлари:**

Хабар бизга етиб келиши эътиборидан икки қисмга бўлинади: мутавотир ва оход хабарлар.

الْخَبْرُ الْمُتَوَاتِرُ :

لُغَةُ الْمُتَتَابِعِ. وَ إِصْطِلَاحًا: هُوَ مَا رَوَاهُ عَدْدٌ كَثِيرٌ تُحِيلُ الْعَادَةَ تَوَاطُؤُهُمْ عَلَى الْكَذِبِ.

**Мутавотир хабар:**

**Луғатда кетма-кет келувчи. Истлоҳда: одатий ҳолатда ёлғонга келишиб олишлари маҳол бўлган даражадаги кўп сонли кишилардан ривоят қилинган нарса.**

شُرُوطُهُ:

- 1. أَنْ يَرْوِيَهُ عَدْدٌ كَثِيرٌ.
- 2. أَنْ تُوجَدَ هَذِهِ الْكَثْرَةُ فِي جَمِيعِ الْطَّبَقَاتِ.
- 3. أَنْ تُحِيلَّ الْعَادَةُ تَوَاطُؤًهُمْ عَلَى الْكَذِبِ.
- 4. أَنْ يَكُونَ مُسْتَنَدٌ بِخَبَرِهِمُ الْحِسَنَ.

**Унинг шартлари:**

1. Кўп сонли киши уни ривоят қилиши.
2. Ушбу кўпчилик барча табақаларда мавжуд бўлиши.
3. Одатий ҳолатда улар ёлғонга келишиб олишларини маҳол бўлиши.
4. Хабарни олишларининг воситаси ҳис қилувчи аъзо бўлиши (эшитиш, кўриш каби).

حُكْمُهُ:

يُفِيدُ الْعِلْمَ الْضَّرُورِيَّ.

**Унинг ҳукми:**

**Зарурий илмни ифодалайди.**

أَقْسَامُهُ:

- . 1. مُتَوَاتِرٌ لَفْظِيٌّ: مَا تَوَاتَرَ لَفْظُهُ وَمَعْنَاهُ
- . 2. مُتَوَاتِرٌ مَعْنَوِيٌّ: مَا تَوَاتَرَ مَعْنَاهُ دُونَ لَفْظِهِ.

### Унинг қисмлари:

1. **Лафзий мутавотир:** Лафзи ва маъноси мутавотир бўлган хабар.
2. **Маънавий мутавотир:** Маъноси мутавотир бўлиб, лафзи мутавотир бўлмаган хабар.

خَبْرُ الْأَحَادِ:

مَالِمٌ يَجْمَعُ شُرُوطَ الْمُتَوَاتِرِ.

### Оҳод хабарлар:

Мутавотирнинг шартларини ўзида мужассам қилмаган хабарлардир.

وَحُكْمُهُ:

يُفِيدُ الْعِلْمَ النَّظَريًّا.

### Ҳукми:

Назарий илмни ифода қиласди.

أَقْسَامُهُ ثَلَاثَةٌ:

مَشْهُورٌ، عَرِيزٌ، غَرِيبٌ.

**Унинг уч қисмлари:  
Машхур, азиз ва ғариб.**

الْمَشْهُورُ:

مَا رَوَاهُ ثَلَاثَةٌ فَأَكْثَرُ فِي كُلِّ طَبَقَةٍ مَا لَمْ يَبْلُغْ حَدَّ التَّوَاتِرِ.

**Машхур:**  
**Ҳар бир табақада учта ва ундан кўпроқ бўлган ровий ривоят қилган бўлиб, мутавотир даражасига етмаган хабар.**

الْغَزِيرُ:

أَنْ لَا يَقِلَّ رُوَاتُهُ عَنْ اثْنَيْنِ فِي جَمِيعِ طَبَقَاتِ السَّنَدِ.

**Азиз:**  
**Ровийлари санаднинг барча табақаларида икки кишидан кам бўлмаган хабар.**

الْعَرَبِيُّ:

هُوَ حَدِيثُ الَّذِي يَنْفَرِدُ بِرِوَايَتِهِ رَاوِ وَاحِدٌ.

**Ғариб:**  
**Бирор табақасида биргина ровий ривоят қилган хабардир.**

وَهُوَ نَوْعًا نِسْبَيًّا:

غَرِيبٌ مُطْلَقٌ وَغَرِيبٌ نِسْبَيٌّ.

**Ғаріб иккі навдир.  
Мутлоқ ғаріб ва нисбий ғаріб.**

الْخَبْرُ مِنْ حَيْثُ الْقَبُولُ وَالَّذِي قِسْمَانِ:  
مَقْبُولٌ وَ مَرْدُودٌ.

**Хабар қабул қилиниш ва рад қилиниш жиҳатидан иккі қисмдир:  
Мақбул ва мавруд.**

المَقْبُولُ:

وَهُوَ أَرْبَعَةُ أَقْسَامٍ:

- صَحِيحٌ لِذَاتِهِ.
- حَسَنٌ لِذَاتِهِ.
- صَحِيحٌ لِغَيْرِهِ.
- حَسَنٌ لِغَيْرِهِ.

**Мақбул:**

**У түрт қисмдир:  
Үз зотида сахих.  
Үз зотида ҳасан.  
Бошқа сабабидан сахих.  
Бошқа сабабидан ҳасан.**

الصَّحِيحُ لِذَاتِهِ:

هُوَ مَا اتَّصَلَ سَنَدُهُ بِنَقلِ الْعَدْلِ الْضَّابِطِ مِنْ مِثْلِهِ إِلَى مُنْتَهَاهُ مِنْ غَيْرِ شُدُودٍ وَلَا عِلْلَةٍ.

### Ўз зотида саҳиҳ:

Санаднинг бошидан охиригача адолатли, забтли ровий ўзи каби бўлган ровийдан ривоят қилган, санади узилишсиз боғланган, шозлик ва иллатдан холий бўлган хабардир.

وَشُرُوطُهُ خَمْسَةٌ:

- اِصَالُ السَّنَدِ.
- عَدَالَةُ الرُّوَاةِ.
- ضَبْطُ الرُّوَاةِ.
- عَدَمُ الْعِلَّةِ.
- عَدَمُ الشُّدُوذِ.

### Унинг шартлари бешта:

Санаднинг боғланиши.

Ровийларнинг адолати.

Ровийларнинг забтли бўлиши.

Иллатнинг бўлмаслиги.

Шозликнинг бўмласлиги.

وَحُكْمُهُ:

وُجُوبُ الْعَمَلِ بِهِ.

### Унинг ҳукми:

Унга амал қилишнинг вожиб бўлишидир.

وَمَرَاتِبُ الصَّحِيحِ سَبْعَةٌ هِيَ:

\*مَا اتَّقَقَ عَلَيْهِ الشَّيْخَانِ.

\*مَا انْفَرَدَ بِهِ الْبُخَارِيُّ.

\*مَا انْفَرَدَ بِهِ مُسْلِمٌ.

\*مَا كَانَ عَلَى شَرْطِهِمَا وَلَمْ يُجْرِجَاهُ.

\*مَا كَانَ عَلَى شَرْطِ الْبُخَارِيِّ.

\*مَا كَانَ عَلَى شَرْطِ مُسْلِمٍ.

\*مَا صَحَّ عِنْدَ غَيْرِهِمَا مِنَ الْأَئْمَةِ.

**Саҳиҳнинг мартабалари етитадир:**

**Икки шайх иттофоқ қилса.**

**Имом Бухорийнинг ўзи ривоят қилса.**

**Муслимнинг ўзи ривоят қилган бўлса.**

**Ўзлари ривоят қилмаган бўлса ҳам икковларининг шартларига асосан бўлса.**

**Бухорийнинг шарти асосида бўлса.**

**Муслимнинг шарти асосида бўлса.**

**Улардан бошқа имомларда саҳиҳ ҳисобланган бўлса.**

الْحَسَنُ لِذَاتِهِ:

وَهُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي اتَّصَلَ سَنَدُهُ بِنَقلِ الْعَدْلِ الَّذِي قَلَّ ضَبْطُهُ عَنْ دَرَجَةِ الصَّحِيحِ وَلَوْ كَانَ وَاحِدًا، وَلَا يَكُونُ شَادًا وَلَا مُعَلَّلًا.

وَحُكْمُهُ حُكْمُ الصَّحِيحِ.

### Ўз зотида ҳасан:

Бундай ҳадиснинг санади узулишсиз боғланган бўлиб, (орасидан бир ровий бўлса ҳам) саҳих даражадаги ровийнинг забтидан кўра забти камроқ бўлганadolatli кишилар орқали ривоят қилинган бўлади. Шозз ва муаллал бўлмайди. Унинг ҳукми Саҳиҳнинг ҳукмидир.

الصَّحِيحُ لِغَيْرِهِ:

هُوَ الْحَسَنُ لِذَاتِهِ إِذَا رُوِيَ مِنْ طَرِيقٍ آخَرَ مِثْلُهُ أَوْ أَقْوَى مِنْهُ، وَسُمِّيَ بِذَلِكَ لِأَنَّ الصِّحَّةَ لَمْ تَأْتِ مِنْ ذَاتِ السَّنَدِ، وَإِنَّمَا جَاءَتْ مِنْ ا�ْضِيَامَ غَيْرِهِ لَهُ.

### Бошқа сабабидан саҳих:

У ўз зотида ҳасан бўлиб, мисличалик ёки ўзидан қувватлироқ бошқа йўл ила ривоят қилинган бўлади. Унинг бундай номланиши саҳиҳлик айни санаддан эмас, унга бошқаси қўшилиши сабабидан бўлгандир.

الْحَسَنُ لِغَيْرِهِ:

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي ضَعُفَ رَاوِيهِ لَا يُفْسِدُ أَوْ كِذْبٌ، أَوْ انْقَطَعَ سَنْدُهُ وَلَكِنَّهُ الْجَبَرُ ضَعْفُهُ يُمْتَابِعُ أَوْ شَاهِدٌ.

### Бошқаси сабабидан бўлган ҳасан:

Ровийси ёлғон сабабидан эмас, фисқ ёки бошқа сабаблар билан заиф бўлади ёки санадида узилиш бўлиб, заифлиги мутобеъ ёки шоҳид ила тўлдирилган бўлади.

الْمَحْفُظُ:

وَهُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي رَوَاهُ الْأَوْقَنُ مُخَالِفًا لِرِوَايَةِ الشِّقَةِ، بِزِيَادَةٍ أَوْ نَقْصٍ، فِي الْمَتْنِ أَوْ السَّنَدِ.

### Махфуз:

Энг ишончли ровий, ишончли ровийга мухолиф ҳолда матнда ёки санадда зиёдалик ёки нуқсон ила ривоят қилган ҳадис.

الْمَعْرُوفُ:

وَهُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي رَوَاهُ النِّقَةُ مُخَالِفًا لِمَا رَوَاهُ الصَّعِيفُ.

### Маъруф:

Ишончли ровий заиф ровийга мухолиф ҳолда ривоят қилган ҳадис.

الْخَبْرُ الْمَرْدُودُ:

هُوَ الَّذِي لَمْ يَتَرَجَّحْ صِدْقُ الْخَبْرِ بِهِ، وَذَلِكَ بِفَقْدِ شَرْطٍ أَوْ أَكْثَرَ مِنْ شُرُوطِ الْقَبُولِ.

### Мардуд хабар:

Хабар берувчининг ростгўйлиги ишончли бўлмайди. Бу ҳолат ривоятни қабул қилиш шартларидан бир ёки бир неча шартларни ровий ўзида мужассам қилмаганлигидан бўлади.

وَأَقْسَامُهُ هِيَ :

أ - مَرْدُودٌ بِسَبَبِ الطَّعْنِ فِي الْمَرْوِيِّ، وَهُوَ :

الضَّعِيفُ:

وَهُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي خَلَا عَنْ بَعْضِ صِفَاتِ الصَّحِيفِ أَوْ كُلِّهَا.

**Унинг қисмлари:**

**А)** Ривоят қилинган хабарга таъна етказиш сабабидан бўлган мардуд.

**Улар қуидагилар:**

**Заиф:**

**Саҳиҳнинг баъзи ёки барча сифатларидан холий бўлган ҳадис.**

الْمُعَلَّقُ:

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي حُذِفَ مِنْ أَوَّلِ الإِسْنَادِ بَعْضُهُ أَوْ كُلُّهُ.

**Муаллақ:**

**Санадининг аввалидан баъзиси ёки барчаси ҳазф қилинган ҳадис.**

الْمُرْسَلُ:

مَا سَقَطَ فِي آخِرِ إِسْنَادِهِ مِنْ بَعْدِ التَّابِعِيِّ.

**Мурсал:**

**Иснодининг охирида тобеъиндан кейинги ровий тушиб қолган бўлади.**

الْمُعْضَلُ:

وَهُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي سَقَطَ مِنْ سَنَدِهِ اثْنَانِ فَصَاعِدًا مِنْ أَيِّ مَوْضِعٍ كَانَ، بِشَرْطِ التَّوَالِيِّ وَالتَّسَائِعِ فِي السَّاقِطِيْنِ.

### Муъдол:

Санадининг қай еридан бўлмасин икки ва ундан кўп ровий – ровийлар кетма-кетликда бўлиши шарти ила – тушиб қолган ҳадис.

: الْمُنْقَطِعُ

وَهُوَ مَا لَمْ يَتَّصِلْ سَنَدُهُ، بِأَيِّ وَجْهٍ كَانَ الْإِنْقِطَاعُ.

### Мунқотеъ:

Узилиш қандай важхда бўлмасин, санади боғланмаган хабардир.

: الْمُدَلَّسُ

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي دَلَّسَ فِيهِ الرَّاوِي بِوَجْهٍ مِنْ وُجُوهِ التَّدْلِيسِ.

### Мудаллас:

Ровий тадлиснинг важхларидан бир важхда тадлис қилган ҳадис.

وَهُوَ عَلَى وَجْهَيْنِ:

تَدْلِيسُ الْإِسْنَادِ: أَنْ يَرَوِي الرَّاوِي عَمَّنْ قَدْ سَمِعَ مِنْهُ مَا لَمْ يَسْمَعْ مِنْهُ مُؤْهِمًا سَمَاعَهُ.

### У икки важхдир:

Санаддаги тадлис: Ровий ўзи (бошқа ривоятларни) эшитган ровийсидан айни эшитмаган хабарини, ўзини эшитгандек қилиб ривоят қилишидир.

وَتَدْلِيسُ التَّسْوِيَةِ: وَهُوَ رَوَايَةُ الرَّاوِي عَنْ شَيْخِهِ ثُمَّ إِسْقَاطُ رَأْوٍ ضَعِيفٍ بَيْنَ ثَقَتَيْنِ لَقِيَ أَحَدُهُمَا الْأَخْرَ.

### Тасвия тадлиси:

У ровийнинг ўз шайхидан ривоят қилиб туриб ўзаро учрашган икки ишончли ровийнинг орасидаги заиф ровийни (санаддан) тушириб юборишидир.

تَدْلِيسُ الشُّيُوخِ: وَهُوَ أَنْ يَرْوِيَ عَنْ شَيْخٍ حَدِيثًا سَمِعَهُ مِنْهُ فَيُسَمِّي شَيْخَهُ بِمَا لَا يُعْرَفُ بِهِ كَيْ لَا يُعْرَفَ لِضُعْفٍ فِيهِ أَوْ لِصِغْرَ سِنِّهِ.

### Шайхларнинг тадлиси:

Бир шайхдан ундан эшитган ҳадисини ривоят қилган ҳолида, ўша шайхнинг заифлиги ёки ёши кичиклиги билиниб қолмаслиги учун ўша шайхни у танилмаган нарса ила таништиради.

الْمُرْسَلُ الْحَقِيقِيُّ:

هُوَ أَنْ يَرْوِيَ الرَّاوِي عَمَّنْ عَاصَرَهُ مَا لَمْ يَسْمَعْهُ مِنْهُ بِلَفْظٍ مُؤْهِمٍ لِلسِّمَاعِ.

### Ҳафий мурсал:

Бунда ровий ўзига замондош бўлган кишидан, ундан эшитмаган ривоятни ҳудди эшитганидек қилиб ривоят қиласди.

الْمُعْنَعُ :

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي يَرْوِيهِ بَعْضُ رَوَاتِ السَّنَدِ أَوْ كُلُّهُمْ عَمَّا فَوْقَهُ بِصِيغَةٍ (عَنْ) كَ (عَنْ فُلَانٍ عَنْ فُلَانٍ).

فَإِنَّهُ مَوْصُولٌ وَمَقْبُولٌ بِشَرْطٍ سَلَامَةِ الْمُعْنَعِ مِنَ التَّدْلِيسِ، وَثُبُوتِ الْلِقَاءِ بَيْنَهُمْ، وَإِلَّا فَضَعِيفٌ وَمَرْدُودٌ.

**Муъанъан:**

Санаддаги ровийларнинг баъзиси ёки барчаси ўзидан юқоридаги ровийдан **عَنْ** сийғаси (фалончидан, у фалончидан) ила ривоят қиласи. Ъанъана қилган ровий тадлисдан саломат бўлса ва ровийлар орасидаги учрашув сабит бўлса, бундай ривоят боғлангандир ва мақбулдир. Бундай бўлмаса, ушбу ривоят заифдир ва мардууддир.

الْمُؤْتَنُ :

قُولُ الرَّاوِي: (فُلَانٌ أَنَّ فُلَانًا). وَقِيلَ هُوَ مُنْقَطِعٌ حَتَّى يَثْبُتَ اتِّصَالُهُ.

**Муаннан:**

Ровийнинг **فُلَانٌ أَنَّ فُلَانًا** (фалончидан: фалончи бундай деган...) дейишидир. «Токи боғланиш сабит бўлмас экан, у мутқотеъдир» дейилган.

ب - الْمَرْدُودُ بِسَبِبِ الطَّعْنِ فِي الرَّاوِي وَهُوَ قِسْمَانٌ:

مَا يَتَعَلَّقُ بِالْعَدَالَةِ:

• الْكَذِبُ.

- التّهْمَةُ بِالْكَذِبِ.
- الْفِسْقُ.
- الْبِدْعَةُ.

**Б) Ровийга таъна етказиш сабабидан мардуд бўлган хабар:**

- У икки қисмдир:**
- Адолатга боғлиқ бўлгани:**
- Ёлғончилик.**
- Ёлғончиликда гумон қилиниш.**
- Фисқ.**
- Бидъат.**

**ما يَتَعَلَّقُ بِالضَّيْطِ :**

- فَحْشُ الْغَلَطِ.
- سُوءُ الْحِفْظِ.
- الْغُفْلَةُ.
- كُثْرَةُ الْأَوْهَامِ.
- فُخَالَفَةُ الشِّقَاتِ.

- Забтга боғлиқ бўлгани:**
- Адашишнинг қўйполлиги.**
- Ёдлаш қобилиятигининг ёмонлиги.**
- Эътиборсизлик.**
- Хато қилишнинг кўплиги.**

## Ишончли ровийларга хилоф қилиш.

المَوْضُوعُ:

هُوَ الْكَذِبُ الْمُخْتَلَقُ الْمَصْنُوعُ الْمَنْسُوبُ إِلَى الرَّسُولِ وَهُوَ شَرُّ الْأَحَادِيثِ، وَلَا تَحِلُّ  
رِوَايَتُهُ.

### Мавзуъ:

Ёлғон, ихтиро қилинган, ясама ҳадис бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилган бўлади. У ҳадисларнинг энг ёмони бўлиб, уни ривоят қилиш ҳалол бўлмайди.

الْمَتْرُوكُ:

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي فِي إِسْنَادِهِ رَاوٍ مُتَّهِمٌ بِالْكَذِبِ.

### Матрук:

Иснодида ёлғончиликда гумон қилинган ровий бўлади.

وَأَسْبَابُ اَهَامِ الرَّاوِيِ بِالْكَذِبِ:

- أَنْ لَا يُرَوِي الْحَدِيثُ إِلَّا مِنْ جِهَتِهِ
- أَنْ يُعْرَفَ بِالْكَذِبِ فِي حَدِيثِهِ الْعَادِيِّ.

Ровийлар ёлғончиликда гумон қилинишнинг сабаблари:

**Ҳадис фақатгина унинг жиҳатидан ривоят қилинган бўлиши.**

**Ҳаётий гапларида ёлғончилиги билан танилган бўлиши.**

**الْمُنَكَرُ:**

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي فِي إِسْنَادِهِ رَاوٍ فَحُشَّ غَلَطْهُ أَوْ كَثُرْتْ غَفْلَتُهُ أَوْ ظَهَرَ فِسْقُهُ.

**Мункар:**

**Иснодида адашиши қўпол бўлган ёки хатоси кўп бўлган ёки фисқи зоҳир бўлган ровий бўлган ҳадисдир.**

**الشَّاذُ:**

هُوَ مَا رَوَاهُ الشِّفَةُ مُخَالِفًا لِمَا رَوَاهُ الْأَوْثَقُ مِنْهُ، مَعَ عَدَمِ إِمْكَانِ الْجُمْعِ.

**Шозз:**

**Ишончли ровий ўзидан кўра ишончлироқ ровийга хилоф қилган ҳолда ривоят қилган ҳадис бўлиб, бунда икки ривоят орасини (маъно жиҳатидан) жамлаш имкони бўлмайди.**

**الْمُعَلَّلُ:**

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي اطْلَعَ فِيهِ عَلَى عِلْمٍ تَقْدَحُ فِي صِحَّتِهِ، مَعَ أَنَّ ظَاهِرَهُ السَّلَامَةُ مِنْهَا.

**Муаллал:**

**Саҳиҳлигига футур етказувчи иллатга воқиф бўлинган ҳадис бўлиб, ўша ҳадиснинг зоҳири ўша иллатдан саломат бўлади.**

وَفِيهَا شَرْطَانِ :

- الْعَمُوضُ وَالْخَفَاءُ .
- الْقُدْحُ فِي صِحَّةِ الْحَدِيثِ . وَتَقْعُدُ فِي الْإِسْنَادِ أَكْثَرَ .

**Бунда икки шарт бор:**  
**Номалумлик ва маҳфийлик.**  
**Ҳадиснинг саҳиҳлигига путр етказиш.** Бу  
 ҳолат кўпроқ иснодда воқеъ бўлади.

: المُدْرَجُ

مَا غُيْرَ سِيَاقُ إِسْنَادِهِ أَوْ أَدْخَلَ فِي مَتْبِهِ مَا لَيْسَ مِنْهُ بِلَا فَصْلٍ .

**Мудраж:**  
**Иснодининг сиёқи орада ажратишииз**  
**ўзгартирилган ёки матнига ундан бўлмаган нарса**  
**орада ажратишииз қўшилган хабар.**

وَهُوَ قِسْمَانِ :

- مُدْرَجُ الْإِسْنَادِ .
- وَمُدْرَجُ الْمَتْبِرِ .

**У икки қисмдир:**  
**Исноддаги идрож.**

## Матнаги идрож.

المَقْلُوبُ:

إِبْدَالٌ لِفَظٍ بِآخَرِ فِي سَنَدِ الْحَدِيثِ أَوْ مَتْنِهِ بِتَقْدِيمٍ أَوْ تَأْخِيرٍ أَوْ نَحْوٍ.

## Мақлуб:

Ҳадиснинг санади ёки матнида лафзни бошқа лафзга олдинга ўтказиш, орқага ўтказиш ёки шунга ўхшаш йўсинда алмаштиришdir.

وَهُوَ قِسْمًا مِنْ :

- مَقْلُوبُ السَّنَدِ.
- وَمَقْلُوبُ المَتْنِ.

## У икки қисмдир:

Санаддаги мақлуб.

Матнаги мақлуб.

المَزِيدُ فِي مُتَّصِلِ الأَسَانِيدِ:

زِيَادَةُ رَاوٍ فِي أَثْنَاءِ سَنَدِ ظَاهِرَةِ الاتِّصالِ.

Ўзаро боғланган санадларга зиёда қилинганлик:

Зоҳири боғланиш бўлган санадга ровийни зиёда қилиш.

الْمُضْطَرِبُ:

مَا رُوِيَ عَلَى أَوْجُهِ مُخْتَلِفٌ مُتَسَاوِيٌّ فِي الْقُوَّةِ.

**Музтариб:**

Қувват эътиборидан тенг бўлган ҳолда турли важҳларда ривоят қилинган хабардир.

وَهُوَ قِسْمًا مِنْ :

- مُضْطَرِبُ السَّنَدِ.
- وَمُضْطَرِبُ الْمَقْتِ.

**У икки қисмдир:**  
**Санади музтариб.**  
**Матни музтариб.**

الْمُصَحَّفُ:

تَغْيِيرُ الْكَلِمَةِ فِي الْحَدِيثِ مَتَّنَا وَإِسْنَادًا إِلَى غَيْرِ مَا رَوَاهَا الشِّقَاتُ لِفُظُّاً أَوْ مَعْنَىً.

**Мусахҳаф:**

Ҳадиснинг санади ёки матнидаги калимани ишончли кишилар ривоят қилгандан бошқа лафз ёки маънога ўзгартиришdir.

الْجَهَالَةُ:

عَدَمُ مَعْرِفَةِ عَيْنِ الرَّاوِي أَوْ حَالِهِ.

**Жаҳолат:**  
**Ровийнинг айни ўзини ёки ҳолини билмаслик.**

وَهِيَ :

- جَهَالَةُ الْعَيْنِ .
- وَجَهَالَةُ الْحَالِ .

**У икки қисмдир:**  
**Жаҳолат айн.**  
**Жаҳолат ҳол.**

الْبِدْعَةُ :

طَرِيقَةٌ فِي الدِّينِ مُخْتَرَعَةٌ، تُضَاهِي الشَّرِيعَةَ، يُقْصَدُ بِالسُّلُوكِ عَلَيْهَا الْمُبَالَغَةُ فِي التَّعْبُدِ لِلَّهِ سُبْحَانَهُ .

**Бидъат:**  
**Шариятдаги нарсаларга ўхшайдиган, динда янги пайдо қилинган йўл бўлиб, унга юриш ила Аллоҳга ибодатда муболага қилиш қасд қилинади.**

وَهِيَ نَوْعًا :

- بِدْعَةُ مُكَفِّرٍ .
- بِدْعَةُ مُفَسِّقَةٍ .

**У икки навдир:**  
**Куфр бидъат.**  
**Фисқ бидъат.**

سُوءُ الْحِفْظِ :

مَا لَمْ يُرَجِّحْ جَانِبُ إِصَابَتِهِ عَلَى جَانِبِ خَطِئِهِ.

**Ёд олиш қобилиятигининг ёмонлиги:**  
**Тўғри айтиш тарафи хато айтиш тарафидан устун келмаган ровий.**

تَكْمِلَةٌ

**Тўлдириш**

الْمَرْفُوعُ :

مَا أُضِيفَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ مِنْ قَوْلٍ أَوْ فِعْلٍ أَوْ تَقْرِيرٍ.

**Марфуъ:**  
**Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилган сўз, феъл ва мақуллаш.**

الْمَوْقُوفُ :

مَا أُضِيفَ إِلَى الصَّحَابِيِّ مِنْ قَوْلٍ أَوْ فِعْلٍ أَوْ تَقْرِيرٍ.

**Мавқуф:**  
**Саҳобийга нисбат берилдган сўз, феъл ёки мақуллаш.**

الْمَقْطُوعُ:

مَا أُضِيفَ إِلَى التَّابِعِي أَوْ مَنْ دُونَهُ مِنْ قَوْلٍ أَوْ فِعْلٍ.

**Мақтуъ:**

Тобеъинга ёки ундан пастдагига нисбат берилгандың сүз ёки феъл.

الْمُسَنَدُ:

مَا اتَّصَلَ سَنَدُهُ مَرْفُوعًا إِلَى الْبَيِّنِ ﷺ.

**Муснад:**

Санади Набий соллаллоху алайхи васалламга марфуъ ҳолда боғланган хабар.

الْمُتَّصِلُ:

مَا اتَّصَلَ سَنَدُهُ مَرْفُوعًا كَانَ أَوْ مَوْقُوفًا

**Муттасил:**

Санади марфуъ ёки мавқұф ҳолда боғланган хабар.

غَرِيبُ الْحَدِيثِ:

مَا وَقَعَ فِي مَتْنِ الْحَدِيثِ مِنْ لَفْظَةٍ غَامِضَةٍ.

**Хадис ғариби:**

**Ҳадиснинг матнида маъноси очик бўлмаган ҳолда воқеъ бўлган лафз.**

الإسناد العالمي:

مَا قَلَ عَدْ رِجَالِهِ.

**Олий иснод:**

**Рижолларнинг адади кам бўлган иснод.**

الإسناد النازل:

مَا كَثُرَ عَدْ رِجَالِهِ.

**Нозил иснод:**

**Рижолларининг адади кўп бўлган иснод.**

المُسْلسلُ:

هُوَ تَتَابُعُ رِجَالِ الإِسْنادِ عَلَى صِفَةٍ أَوْ حَالَةٍ لِلرِّوَاةِ تَارَةً وَلِلرِّوَايَةِ تَارَةً أُخْرَى

**Мусалсал:**

**У исноддаги рижолларнинг гоҳида сифат ёки ровийлардаги ҳолат ва гоҳида ривоятдаги ҳолат ила кетма-кет бир хил ривоят қилишлари.**

فِي طُرُقِ سَبْرِ الرِّوَايَاتِ سَنَدًا وَمَتْنًا

## Ривоятларни санад ва матн жиҳатидан таҳлил қилиш йўллари ҳақидаги фасл

الْأَعْتِبَارُ:

هُوَ تَتَّبِعُ طُرُقَ حَدِيثٍ أَنْفَرَدَ بِرِوايَتِهِ رَأَوْ لِيُعْرَفَ هَلْ شَارَكَهُ فِي رِوايَتِهِ غَيْرُهُ أَوْلًا.

Эътибор:

Бир ўзи ривоят қилган ровийнинг ҳадисини, бу ривоятда унга бирор ровий шерик бўлганлиги ёки бўлмаганлики жиҳатидан бирма-бир кўриб чиқиш.

الْمُتَابِعُ:

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي يُشَارِكُ فِيهِ رُوَاةُ رُوَاةَ الْحَدِيثِ الْفَرْدِ لَفْظًا وَمَعْنَى أَوْ مَعْنَى فَقَطُ مَعَ الْإِتْخَادِ فِي الصَّحَابِيِّ تَامًا أَوْ قَاصِرًا.

Мутобеъ:

Фард ҳадиснинг ровийларига бошқа ровийлар ўз ривоятлари ила лафз ва маънода ёки маънонинг ўзида шериклик қилишган ва ривоят қилинаётган саҳобий бир бўлган ҳадисдир. Бунда ўша ривоят томм бўладим, қосир бўладими фарқи йўқдир.

الشَّاهِدُ:

هُوَ الْحَدِيثُ الَّذِي يُشَارِكُ فِيهِ رُوَاةُ رُوَاةَ الْحَدِيثِ الْفَرْدِ لَفْظًا وَمَعْنَى أَوْ مَعْنَى فَقَطُ مَعَ الْإِخْتِلَافِ فِي الصَّحَابِيِّ.

Шоҳид:

Ривоят қилинаётган саҳобий бошқа бўлган  
Фард ҳадиснинг ровийларига бошқа ровийлар ўз  
ривоятлари ила лафз ва маънода ёки маънонинг  
ўзида шериклик қилишган ҳадисдир.

وَقِيلَ:

- الْمُتَابَعَةُ: أَنْ تَحْصُلَ الْمُشَارَكَةُ لِرِوَايَةِ الْحَدِيثِ الْفَرْدِ بِالْلَّفْظِ
- وَالشَّاهِدُ: أَنْ تَحْصُلَ الْمُشَارَكَةُ لِرِوَايَةِ الْحَدِيثِ الْفَرْدِ بِالْمَعْنَى

“Мутобаат: Фард ҳадиснинг ровийларига  
лафзда шерикликнинг ҳосил бўлишидир.

Шоҳид: Фард ҳадиснинг ровийларига маънода  
шерикликнинг ҳосил бўлишидир” деб ҳам  
айтилган.

فَصَلٌ فِي قَوَاعِدِ الْجَرْحِ وَالْتَّعْدِيلِ

Жарҳ ва таъдийл қоидалари борасидаги фасл

الصَّحَابَةُ كُلُّهُمْ عَدُولٌ.

Саҳобаларнинг барчаси адолатлидирлар.

لَا يُقْبَلُ جَرْحٌ فِي شَخْصٍ أَجْمَعُوا عَلَى تَعْدِيلِهِ وَتَوْثِيقِهِ كَالْبُخَارِيِّ وَمُسْلِمٍ وَأَحْمَدَ  
وَالشَّافِعِيِّ وَمَالِكٍ وَغَيْرِهِمْ رَحْمَهُمُ اللَّهُ.

Унинг таъдили ва ишончлилиги борасида Бухорий, Муслим, Аҳмад, Шофеъий, Молик ва бошқалар каби имомлар ижмоъ қилган кишининг жарҳ қилиниши қабул қилинмайди.

لَا يُقْبَلُ الْجُرْحُ وَالْتَّعْدِيْلُ إِلَّا مِنْ ثِقَةٍ مُسْتَقِنٍ عَارِفٍ بِأَسْبَابِهِمَا مَعْرَفَةً جَيِّدَةً.

Жарҳ ва таъдийл фақатгина ишончли, ўз ишини комил бажарувчи ҳамда унинг сабабларини жуда яхши билувчи кишидангина қабул қилинади.

لَا يُشْتَرَطُ فِي الْمُزَكَّيْنَ الْعَدْدُ كَالشَّهَادَةِ، بَلْ يُقْبَلُ مِنْ وَاحِدٍ.

(Ровийни) оқловчиларда гулохлик беришдаги каби адад шарт қилинмайди, бир кишидан ҳам қабул қилинади.

جُرْحٌ تَحْدِيْثٌ الشِّفَةِ عَنْ رَأْوٍ لَا يُعْتَبِرُ تَعْدِيْلًا لَهُ.

Ишончли кишининг бирор ровийдан ривоят қилиши, уни таъдийл қилиши деб эътибор қилинмайди.

يُقْبَلُ الْجُرْحُ مِنْ غَيْرِ ذِكْرِ السَّبَبِ إِنْ كَانَ الْجُرْحُ ثِقَةً مَرْضِيًّا وَعَارِفًا بِأَسْبَابِهِ.

Агар жарҳ қилувчи ишончли, рози бўлинган, сабабларни яхши билгувчи бўлса, сабабини зикр қилмасдан қилган жарҳи қабул қилинади.

مُجَرَّدُ عَمَلِ الْعَالَمِ أَوْ فُتْيَاهُ بِوْفَقِ حَدِيثٍ لَا يُعْبَرُ تَصْحِيحًا لَهُ، وَلَا تَؤْثِيقًا لِرَاوِيهِ.

Олимнинг бирор ҳадисга мувофиқ бўлган амали ёки фатво бериши ўша ҳадисни саҳих кўриш ва унинг ровийларини ишончли кўриш деб эътибор қилинмайди.

إِذَا تَعَارَضَ الْجُرْحُ الْمُفَسَّرُ وَالتَّعْدِيلُ فِي رَأْوٍ وَاحِدٍ لَا يُرَجِّحُ أَحَدُهُمَا عَلَى الْآخَرِ بِالْإِطْلَاقِ، بَلْ يُنْظَرُ إِلَى مَكَانَةِ الْمُعَدِّلِ وَالْجَارِ وَمُسْتَوَاهُمَا فِي الْخِبْرَةِ وَالْمُمَارَسَةِ أَوْلَأَمْمً إِلَى الظُّرُوفِ وَالْأَحْوَالِ وَالْأَلْفَاظِ وَالْأَسْبَابِ الَّتِي صَدَرَ عَنْهُمَا الْحُكْمُ لِأَجْلِهَا فِي الرَّاوِي، وَإِلَّا فَالْتَّرْجِيْحُ لِلْجُرْحِ احْتِيَاطًا.

Тафсир қилинган жарх ва таъдийл бир ровийда қарама-қарши келиб қолса ва улардан бири бошқаси устидан умумий ҳолатда устун бўлмаса, аввало таъдийл қилувчи ва жарх қилувчининг илмдаги манзиласига, хабардорлик ва шуғулланиш даражаларига назар солинади. Сўнгра у икковидан ўша ровийга нисбатан ҳукмнинг содир бўлишидаги шарт-шароитлар, ҳолатлар, лафзлар ва сабабларга назар солинади. Бунинг имкони бўлмаса, жарх эҳтиётан устун кўрилади.

مَنْ لَمْ يَثْبُتْ فِيهِ الْجُرْحُ وَلَا التَّعْدِيلُ، وَلَكِنَّ الشَّيْخَيْنِ أَوْ أَحَدَهُمَا احْتَجَّ بِهِ فَهُوَ ثَقَةٌ.

Жарх ва таъдийл событ бўлмаган ҳолда ундан икки шайх ёки бирлари у ила хужжатланган ровий – ишончлидир.

يُتَوَقَّفُ فِي قُبُولِ الْجُرْحِ إِنْ كَانَ سَبَبُهُ الْإِخْتِلَافُ فِي الْإِعْتِقَادِ، أَوْ الْمُنَافَسَةُ بَيْنَ الْأَقْرَانِ.

**Жарҳнинг сабаби эътиқоддаги ихтилоф ёки тенгдошлар орасидаги рақобат сабабидан бўлса, жарҳни қабул қилишда тўхтаб турилади.**

**فَصْلٌ فِي أَسْبَابِ التَّوْثِيقِ لِلرُّوَاةِ**

### **Ровийларни ишончли деб айтишнинг сабаблари ҳақидаги фасл**

وَالْتَّوْثِيقُ: هُوَ وَصْفُ الرَّاوِيِّ بِمَا يَدْلُلُ عَلَى صِحَّةِ ضَبْطِهِ وَاسْتِقَامَةِ عَدَالَتِهِ.

**Тавсик:** ровийни забтининг саҳихлиги, адолатининг мустақимлигига далолат қилувчи васфлашдир.

وَالْعَدْلَةُ تَبْثُثُ لِأَمْوَارِ تَائِيَةٍ:  
الإِسْلَامُ: بِأَنْ يَكُونَ الرَّاوِيُّ مُؤْمِنًا صَادِقًا غَيْرَ مُنَافِقٍ وَمُشْرِكٍ أَوْ كَافِرٍ أَوْ مُكَفَّرٍ بِسُوءِ اِعْتِقَادٍ أَوْ عَمَلٍ.

**Адолат қўйидаги ишлар ила событ бўлади:**

**Ислом:** Ровий содик мўмин бўлиши, мунофиқ ёки мушрик ёки кофир ёки кофирга чиқарувчи эътиқод ва амалдан холий бўлиши.

الْعُقْلُ: بِأَنْ لَا يَكُونَ مَجْنُونًا مَعْتُوهًا.

**Ақл:** Мажнун ёки эси оғган бўлмаслиги.

الْبُلُوغُ: إِنْ لَا يَكُونَ صَيِّدًا غَيْرَ مُبِينٍ.

**Балоғатта етганлик: Оқ қорани ажратмайдиган гүдак бўлмаслиги.**

الصِّدْقُ: إِنْ يَكُونَ صَادِقَ الْهُجَةِ أَمِينًا، وَلَا يَكُونُ كَاذِبًا، لَا فِي حَدِيثِ الرَّسُولِ ﷺ وَلَا فِي حَدِيثِ النَّاسِ.

**Ростгўйлик:** Тилда ростгўй ва омонатдор, Расулуллоҳ соллааллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам, инсонларнинг сўзларида ҳам ёлғончи бўлмаслиги.

الشَّقْوَى: أَنْ يَكُونَ وَرِعًا مُلْتَزِمًا، مُتَأَدِّبًا بِمَحَاسِنِ الْأَخْلَاقِ وَجَمِيلِ الْعَادَاتِ، وَلَا يَكُونَ فَاسِقًا مُجَاهِرًا بِالْكَبَائِرِ أَوْ مُصِرًّا عَلَى الصَّغَائِيرِ، وَلَا مُتَهَاهِنًا بِالْوَاجِبَاتِ وَالْفَرَائِضِ.

**Тақво:** Парҳезкор, суннатни лозим тутувчи, гўзал хулқлар ва чиройли одатлар ила одобланган бўлиши. Фосиқ, катта гуноҳларни очиқ қилувчи, кичик гуноҳларда бардавом бўлувчи, фарз ва вожибларни паст кўрувчи бўлмаслиги лозим.

الشُّهْرَةُ: إِنْ يَكُونَ مَعْرُوفَ الْطَّلْبِ وَالرِّوَايَةِ، لَهُ مَشَايخُ ثِنَقَاتٍ وَثَقُوْهُ، وَتَلَامِذَةٌ مَعْرُوفُوْنَ رَوَوْا عَنْهُ، فَلَا يَكُونُ مَجْهُوْلًا لَا عَيْنًا وَلَا حَالًا.

**Машхурлик:** Ҳадис талаб қилиши ва уни ривоят қилиши ила танилган бўлиши. Ишончли

шайхлари бўлиб, ўша шайхлар уни ишончли деб атаган бўлишлари, шунингдек ундан ривоят қилган машҳур шогирдлари бўлиши. Айни ўзи ҳам ҳоли ҳам мажҳул бўлмаслиги.

وَمَا تَثْبِتُ بِهِ صِحَّةً ضَبْطِهِ هُوَ :  
أَنْ يَرْوِيَ مَرْوِيَّاتِهِ عَلَى وَجْهٍ صَحِيحٍ، وَأَنْ لَا يَغْلِطَ فِيهَا غَلَطًا كَثِيرًا .

Ровий забтининг саҳих бўлиши қуидагилар ила событ бўлади: Ривоятларини саҳих важхда ривоят қилиши, уларда кўп адашишга йўл қилмаслиги.

أَنْ يَكُونَ حِفْظُهُ قَوِيًّا، فَيُتَقْنُ مَا يَحْفَظُهُ حَتَّى يُؤْدِيَهَا عَلَى وَجْهِ الصَّوَابِ .

Хифзи қувватли бўлиши, ёд олган ривоятини тўғри важхда адo қиладиган даражада комил ёдида саклаши.

أَنْ يَكُونَ يِقْظًا نَبِيًّا عِنْدَ التَّحْمُلِ، غَيْرَ مُغَفِّلٍ، وَغَيْرَ مَشْغُولٍ الْبَالِ بِأَمْرٍ آخَرَ وَقْتَ السِّمَاعِ فِي مَجْلِسِ الشَّيْخِ .

Ҳадисни эшитаётганда хушёр ва уйғоқ бўлиши, ғафлатда бўлмаслиги, шайх хузурида эшитиш чоғида хотирини машғул қилувчи бошқа нарсалар ила машғул бўлмаслиги лозим.

أَنْ يُحَدِّثَ مِنْ أَصْلِ مُقَابِلٍ صَحِيحٍ، وَلَا يَرْوِيَ مِنْ نُسْخٍ غَيْرَ مُصَحَّحةٍ .

Текширилган, саҳих аслдан ҳадис айтиши, тўғирланмаган нусхалардан ривоят қилмаслиги.

أَنْ لَا يَكُونَ رِوَايَةً مُخَالِفَةً لِرِوَايَاتِ الشِّقَاتِ إِلَّا نَادِرًا.

Ривояти ишончли ровийларнинг ривоятига мухолиф бўлмаслиги зарур. Нодир ҳолатлар бундан мустасно.

أَنْ لَا يَكُونَ جَاهِلًا بِمَدْلُولَاتِ الْأَلْفَاظِ وَمَقَاصِدِهَا الشَّرْعِيَّةِ.

Лафзларнинг далолат қилувчи маънолари ва шаръий мақсадларига нисбатан жоҳил бўлмаслиги.

فصل في أنواع التَّحْمُلِ وَصِيغِ الأَدَاءِ

### Ҳадисни таҳаммул қилиш ва адо қилиш сийғаларининг навлари ҳақидаги фасл

السِّمَاعُ مِنْ لُفْظِ الشَّيْخِ: وَهُوَ أَنْ يَقُرَأَ الشَّيْخُ مَرْوِيَّاتِهِ عَلَى الطَّلَبَةِ مِنْ حِفْظِهِ أَوْ مِنْ كِتَابِهِ لِيَحْفَظُوهَا أَوْ لِيَكُتُبُوهَا اسْتِعْدَادًا لِرِوَايَتِهَا عَنِ الشَّيْخِ بِسَنَدِهِ. وَهُوَ أَعْلَى طُرُقِ تَحْمُلِ الْحَدِيثِ عَنِ الْمَشَايخِ عِنْدَ الْجُمْهُورِ. وَيَجُوزُ لِلطَّالِبِ أَنْ يَقُولَ: "حَدَّثَنَا وَحَدَّثَنِي، أَوْ أَخْبَرَنَا وَأَخْبَرَنِي، أَوْ أَنْبَأَنَا وَأَنْبَأَنِي" حِينَ رِوَايَتِهِ مَا سَمِعَهُ عَنِ الشَّيْخِ الْمَذْكُورِ. إِلَّا أَنَّ الْأَحَوْطَ أَنْ يَقُولَ "سَمِعْتُ".

Шайхнинг лафзидан эшитиш: Шайх ўз ривоятларни талабаларга ёдидан ёки китобидан улар ёдлаб олишлари ёки ёзиб олишлари ва ўша ривоятларни санади ила шайхдан ривоят қилиш истеъдодини ҳосил қилишлари учун ўқиб беришидир. Бу шайхлардан ҳадис таҳаммул қилишнинг жумҳур наздидаги энг олий йўлидир. Талаба мазкур шайхдан эшитганини ривоят қилаётганида: “Бизга ҳадис айтди”, “менга ҳадис айтди” ёки “бизга хабар берди” ва “менга хабар берди” ёки “бизни хабардор қилди” ва “мени хабардор қилди” дейиши жоиздир. Аммо энг аҳвати “эшитдим” дейиш.

الْقِرَاءَةُ عَلَى الشَّيْخِ: وَهُوَ أَنْ يَقْرَأَ الطَّالِبُ الْأَحَادِيثَ الَّتِي هِيَ مِنْ مَرْوِيَاتِ الشَّيْخِ عَلَى الشَّيْخِ وَهُوَ يَسْمَعُ. وَالْأَخْوَطُ أَنْ يَقُولَ الطَّالِبُ حِينَ أَذِاءٍ مَا تَحْمَلُهُ عَنِ الشَّيْخِ فِي هَذِهِ الْحَالَةِ: "قَرَأْتُ عَلَى فُلَانٍ" إِنْ قَرَأَهُ هُوَ عَلَى الشَّيْخِ، أَوْ "قُرِئَ عَلَيْهِ وَأَنَا أَسْمَعُ" إِنْ قَرَأَ عَلَيْهِ عَيْرُهُ، وَكَثِيرٌ مِنَ الْمُحَدِّثِينَ يُعَبِّرُونَ عَنْهَا بِكَلِمَةٍ "أَخْبَرَنَا أَوْ أَخْبَرَنِي".

Шайхга ўқиб бериш: талаба шайхнинг ривоятларини шайхнинг ўзига у эшитиб турган ҳолида ўқиб беришидир. Бу ҳолатда шайхдан таҳаммул қилганини адo қилаётганда талабанинг, агар шайхга ўқиб берган бўлса: “Фалончига ўқиб бердим”, агар шайхга бошқаси ўқиб бераётганда эшитиб ўтирган бўлса “унга ўқиб берилди ва мен эшитиб турдим” дейиши аҳватдир. Муҳаддисларнинг кўпчилиги бу ҳолатга «бизга

**хабар берди» ёки «менга хабар берди» калимаси ила таъбир берадилар.**

الإِجَازَةُ: وَهِيَ الْإِذْنُ بِالرِّوَايَةِ، كَأَنْ يَقُولَ الشَّيْخُ لِطَلَابِهِ "أَجَزْتُ لَكُمْ أَنْ تَرَوُوا عَيْنِي صَحِيحَ الْبُخَارِيِّ" مَثَلًا، أَوْ "جَمِيعَ مَسْمُوعَاتِي". وَالصَّحِيحُ الَّذِي عَلَيْهِ الْجُمْهُورُ جَوَازُ الرِّوَايَةِ وَالْعَمَلُ بِهَا. وَالْأَوْلى أَنْ يَقُولَ الْمُجَازُ لَهُ حِينَ أَدَاءِ مَا أُحِيزَ لَهُ: "أَجَازَ لِي فُلَانٌ". وَيَجُوزُ لَهُ أَنْ يَقُولَ: "حَدَّثَنِي أَوْ أَخْبَرَنِي فُلَانٌ إِجَازَةً". وَاصْطِلَاحُ الْمُتَأْخِرِينَ أَنْ يَقُولَ: "أَنْبَأَنَا أَوْ أَنْبَأَنِي".

**Ижоза:** Шайх ўз талабаларига “сизларга сахиҳи Бухорийни мендан ривоят қилишларингизга” ёки “мендан эшигдан барча ривоятларни ривоят қилишингизга ижозат бердим” дейиши ила ривоят қилишга изн беришдир. Жумҳурнинг назидаги сахиҳ қавлга биноан бу ҳолда ривоят қилиш ва унга амал қилиш жоиздир. Бу ҳолатда ижозат берилган талаба, ижозат берилган ривоятни адo қилаётганида “фалончи менга ижозат берди” дейишидир. Талабага “менга ҳадис айтди”, ёки “фалончи менга ижозат орқали хабар берди” дейиши жоиздир. Мутаахирларнинг бу борадаги истилоҳи “бизга хабар берди” ёки “менга хабар берди” дейишидир.

الْمُنَاؤَةُ: وَهِيَ أَنْ يَدْفَعَ الشَّيْخَ كِتَابَهُ إِلَى الطَّالِبِ وَيَقُولَ لَهُ: "هَذَا رِوَايَتِي عَنْ فُلَانٍ فَارِوهِ عَيْنِي". وَهِيَ طَرِيقَةٌ صَحِيقَةٌ لِلتَّحْمِيلِ. وَالْأَفْضَلُ فِي أَدَائِهَا أَنْ يَقُولَ: "نَأَوَلَنِي وَأَجَازَ لِي". وَيَجُوزُ لَهُ أَنْ يَقُولَ: "حَدَّثَنِي مُنَاؤَةً، أَوْ أَخْبَرَنِي مُنَاؤَةً وَإِجَازَةً".

**Муновала:** шайх ўз китобини талабага бериб, унга “бу фалончидан ривоятимдир уни мендан ривоят қилгин” дейишидир. Бу ривоятни таҳаммул қилишнинг саҳиҳ йўлидир. Уни адо қилишда “менга фалончи тутказди ва ижоза берди” дейиш энг афзал сўздир. Шунингдек, талабага «менга тутказиш ила ҳадис айтди», «тутказиш ҳамда ижоза бериш ила хабар берди» дейиш жоиздир.

الكتابهُ: وَهِيَ أَنْ يَكْتُبَ الشَّيْخُ مَسْمُوعَهُ لِأَحَدٍ بِخطِّهِ أَوْ بِأَمْرِهِ، وَيُجْزِيَ لَهُ رِوَايَةً مَا كَتَبَهُ إِلَيْهِ. وَالرِّوَايَةُ بِهَا أَيْضًا صَحِيحَةٌ، وَالْفَاظُ أَدَائِهَا: "كَتَبَ إِلَيَّ فُلانٌ، أَوْ حَدَّثَنِي فُلانٌ كِتابَةً، أَوْ أَخْبَرَنِي فُلانٌ كِتابَةً".

**Китобат:** шайх ўз эшитганини бирор бир кишига ўзининг ёзуви ёки буйруғи ила ёзилганини бериши ва унга ёзиб берган нарсасини ривоят қилишига ижоза беришидир. Ушбу ривоят қилиш тури ҳам саҳиҳдир. Уни адо қилиш лафзлари: “Фалончи менга ёзиб берди”, “фалончи менга ёзиш орқали ҳадис айтди” ёки “фалончи менга ёзиш орқали хабар берди” дейишидир.